


# Saiga News



2006 йил ёз фасли: 3 сон

В. Смирин чизган расм

Сайгоқнинг экологияси ва муҳофазаси масаласи бўйича инфор­ма­цион ал­ма­шинув учун 6-ти тилда нашр этилади

## Мундарижа

### Асосий мақола – 1 бет

Милнер-Гулланд Э.Дж., Лушчекина А.А. «Яшкульский» сайгоқ питомнигида ташриф – марказнинг очилиши

### Янгиликлар – 2-3 бетлар

Сайгоқни сақлаб қолиш бўйича Халқаро Альянс тузилди

Кўчиб юрвчи турлар бўйича Конвенция янгиликлари – 2006 й. октябр ойида Олма – Отада ўтадиган кенгаш ҳақида

Ўзбекистон сайгоқни сақлаб қолиш бўйича Халқаро Меморандумига имзо чеқди

«Ростовский» кўриқхонасида халқаро конференцияда сайгоқ ҳақида айтиб ўтилди

Қалмоғистонда «Чўл эгаси» кўрик-танлови ўтказилди

Сайгоқ ҳақидаги фильм совриндор бўлди

Сайгоқ бўйича дастур Хитой телевидениесига кўрсатилди

Самарали рейд

Чегарачилар ўзбекистонлик браконьерларни тўхтатиб қолдилар

Браконьерлар сайгоқ гўштини Ургенчда сотмоқдалар

### Мақолалар шарҳи – 3-4 бетлар

Убушаев Б. Келажакка ўқ узиш. Қалмоғистон хабарлари, № 46, 1 феврал 2006 й.

Байгуринов Ж. Жем ёнида антилопа йўқ «Казахстанская правда», № 88-89, 14 апрел 2006 й.

### Илмий мақолалар – 4-7 бетлар

Ли Лишу Сайгоқни Хитойда тиклаш учун потенциал резерват

Ким ва Джоел Бергер Монголия сайгоғи : WCS худудини текшириш натижалари

Липкович А. Д. «Живая природа степи» ассоциацияси питомнигида сайгоқларни боқиш ва кўпайтириш тажрибаси

Бикова Е.А., Есипов А.В., Мурзаханов Р. Устюрт платосида газ конларини ишлаб чиқиш – сайгоқ популяциясига янги хавф тугдирадими ?

### Лойиҳалар шарҳи – 7-8 бетлар

Қалмоғистонда даромаднинг альтернатив манбаларини яратиш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда

Биз дунёни яхшироқ ва ҳайрироқ қилишимиз керак – Қалмоғистонда TNT лойиҳаси

АҚШ Россияда сайгоқларни кўриқлашга ёрдам бераптилар

Қалмоғистонда Дарвин Ташаббусининг янги лойиҳаси

### Янги нашриётлар – 8 бет

## «Яшкульский» сайгоқ питомнигида ташриф – марказнинг очилиши

2006 й. 15 май ойида Россия Федерацияси Қалмоғистон Республикаси Раҳбари Кирсан Илюмжинов Қалмоғистоннинг Яшкўл туманида жойлашган Ёввойи ҳайвонлар Марказининг сайгоқ питомнигида янги ташриф – марказни расмий очди. Бу очилиш Марказ директори д.б.н., профессор Ю. Н. Арилов ва унинг ходимларини кўп йиллик ишларининг натижаси бўлиб қолди. Презентация вақтида Яшкўл кўппрофиллик гимназия ўқитувчи ва ўқувчилари аънанавий ашула ва рақсларни ижро этдилар, Республика Раҳбари эса келаси йилда Қалмоғистонда сайгоқ фестивали ўтишини эълон қилди.



Республика Раҳбари К. Илюмжинов ва проф. В. Неронов лентани кесмиш вақтида. Э.Дж. Милнер-Гулланд сурати

Ташриф-марказ сайгоқ экологияси ва уни кўриқланиши ҳақида сўзлаб берадиган стендлар, Қалмоғистон маданиятига бағишланган материал ва компьютер кўрсатиш воситалари билан жиҳозланган. Шу билан бирга питомникда илмий иш олиб бориш учун жиҳозлар ва ўқувчилар ташрифига синф хонаси ҳам мавжуд. Бу ерда кўпгина маҳаллий ва халқаро билим юртлари билан қалин алоқалар юзага келиб, у ердаги талабалар сайгоқни ахлоқини кузатиш ва уни кўпайтириш усулларини ўрганиш учун питомникка келадилар.



Ташриф-марказ ёнида раққослар репетицияси. Э.Дж. Милнер-Гулланд сурати

Ёввойи ҳайвонлар маркази сайгоқларни тутқинликда кўпайтиришда дунё бўйича биринчиликни эгаллайди ва бу тажрибанинг кераклиги ошиб бормоқда.

Ташриф-марказ кейинчалик ҳам ривожланади ва Республика экологик таълим ва тарбия маркази сифатида ишлайди. Буюк Британия Дарвин ташаббуси дастури, SEPS, Йирик ўтхўрлар бўйича фонд, АҚШ балиқ ва еввойи қушлар хизмати, Денвер ҳайвонот боғи, Ҳайвонот боғи ёрдам фонди, Колорадо ҳайвонот боғи, ИТЕРА, TNT-Express каби кўпгина халқаро ташкилотлар ташриф – марказ қурилишида молиявий ёрдам кўрсатдилар.

Э.Дж. Милнер-Гулланд, Империял Колледж Лондон  
А.А. Лушчекина, ЮНЕСКО, МАБ Россия кўмитаси. Мавзу бўйича маълумотлар: <http://saigak.biodiversity.ru/news/250506.html> да.



Қалмоғистон Республикаси Раҳбари Ёввойи ҳайвонлар марази директори билан сайгоқни сақлаб қолиш бўйича саволларни муҳокама қилипти. Э.Дж. Милнер-Гулланд сурати

**Редакция коллегия.** Буюк Британия: Э.Дж.Милнер-Гулланд, Империял Колледж Лондон ([e.j.milner-quilland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-quilland@imperial.ac.uk)); Қозоғистон: А.Бекенов ва Ю.Грачев, Зоология институти ([terio@nursat.kz](mailto:terio@nursat.kz)); Хитой: А.Канг, WCS Хитой ([yqing@online.sh.cn](mailto:yqing@online.sh.cn)); Монголия: Б. Лхагвасурен, Биология институти ([ecolab@magicnet.mn](mailto:ecolab@magicnet.mn)) ва Е.Онон, WWF-Монголия ([mpp-species@wwf.mn](mailto:mpp-species@wwf.mn)); Россия: Ю.Арилов, Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази ([kalmisaigak@elista.ru](mailto:kalmisaigak@elista.ru)) ва А.Лушчекина, Экология ва эволюция муаммолари институти ([mab.ru@relcom.ru](mailto:mab.ru@relcom.ru)); Туркманистон: Дж. Сапармуратов, Чўл, ўсимлик ва ҳайвонлар дунёси Миллий институти ([siuma@untuk.org](mailto:siuma@untuk.org)); Ўзбекистон: Е.Бикова ва А.Есипов, Зоология институти ([esip@tkt.uz](mailto:esip@tkt.uz)).

Материалларингизни 6 тилнинг бирида юборишингизни сўраймиз. Илтимос, [esip@tkt.uz](mailto:esip@tkt.uz) манзилига еки муҳаррирларнинг бирига юборинг. Бюллетень йилига икки марта чиқади.

Бу нашрдан online <http://saigak.biodiversity.ru/publications.html>, [www.iccs.org.uk/saiganews.htm](http://www.iccs.org.uk/saiganews.htm) ва <http://www.wildlifewarden.net/wcs/mini/Saiga-Chinese.pdf> да ва яна pdf форматида еки талаб бўйича инглиз, қозок, хитой, монгол, ўзбек ва рус тилларидаги матндан фойдаланиш мумкин.



молиявий ердамида чоп этилади

Биргаликда маблағ билан таминлаш



## ХАЛҚАРО ВА РЕГИОНАЛ Янгиликлар

### Сайғоқни сақлаб қолиш бўйича Альянс тузилди

Сайғоқни сақлаб қолиш бўйича Альянс –бу сайғоқни ўрганиш ва сақлаб қолиш соҳасида 15 йилдан ортиқроқ биргаликда ишлаётган, олимлар ва табиат муҳофазаси бўйича мутахассисларнинг ноформал ташкилотидир. Биз турнинг маҳаллий аҳоли учун маданий ва иқтисодий аҳамиятини ва унинг чўл экотизимларидаги фундаментал ролини акс эттирадиган, Каспийолди ва Марказий Осиё чўлларининг муҳим компоненти статусида тикланиши устида иш олиб бораёلمиз.Биз ҳамкорликда ишлаймиз ва тажрибамиз билан бемалол ўртоқлашамиз. Биз меҳнатимиз меваларини кенг - дунёдаги барча инсонларга, ҳукумат ва табиатни муҳофаза қилиш ташкилотларига тарқатамиз. Альянс расмий статусга эга эмас ва янги аъзоларнинг киришига очикдир. Моҳияти шундаки, бу зонтик гуруҳ бизга ўз ишимизни келишган ҳолда тақдим этишда, сайғоқни сақлаб қолиш бўйича ҳаракатларнинг устунлигини аниқлашда ва моддий имкониятларни энг яхши тарзда излаб топишда ёрдам беради. *Saiga News* <http://www.iccs.org.uk/SaigaAlliance.htm> нинг чиқиши – бу сайғоқни сақлаб қолиш бўйича Альянснинг ҳимоясида ўтказилаётган тадбирларнинг бир тури. Агарда Альянсга аъзо бўлмоқчи бўлсангиз, бизга хабар беринг.

Яқинда сайғоқни сақлаб қолиш бўйича Альянс (WCN) Ёввойи табиатни сақлаб қолиш бўйича тармоғидан биринчи грантини олди, ва бу Е. Биковага 2006 йилнинг октябр ойида Сан-Хоседа бўлиб ўтадиган табиатни муҳофаза қилиш бўйича Халқаро кўргазмасида Ўзбекистонда сайғоқни сақлаб қолиш бўйича олиб борилаётган ишни тақдим этишга имкон яратади. Қўшимча хабар олиш учун Э.Дж. Милнер-Гулланд, Имперал Колледж, Лондон, [e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk) ва Е. Бикова, ЎЗР ФА Зоология институти, [esip@tkt.uz](mailto:esip@tkt.uz) ларга мурожаат қилинг.



### Кўчиб юрвчи турлар бўйича Конвенция янгиликлари – 2006 й. октябр ойида Олма – Отада ўтадиган кенгаш ҳақида



CMS ва СИТЕС Қозоғистон Республикаси Қишлоқ Хўжалиги Вазирлигининг ўрмончилик ва овчилик хўжалиги қўмитаси сайғоқни (*Saiga tatarica tatarica*) сақлаб қолиш, тиклаш ва турғун ишлатилиши бўйича ҳамжихатлик Меморандуми (ҲМ) имзоланишига бағишланган сайғоқ ареали мамлакатларининг 1-чи кенгашини ўтказишни тақлиф қилганлиги ҳақида хушхабар бердилар. Кенгаш Олма-Ота (Қозоғистон)да 2006 йилнинг 25-26 сентябр кунларида бўлиб ўтади. Биз Сизни ва Сизнинг ташкилотингизни бу учрашувда иштирок этишга мамнуният билан тақлиф қилмоқчи эдик. Кенгаш ҳужжатлари ва дастлабки рўйхатга олиш формаси [http://www.cms.int/bodies/Agreement\\_MoU\\_Meetings.htm](http://www.cms.int/bodies/Agreement_MoU_Meetings.htm) CMS веб-сайтида. Рўхатдан ўтиш муддати 2006 й. 30 июнғача.

Кенгаш вазифалари:

1. Ареал мамлакатларида сайғоқни сақлаб қолиш бўйича маълумотларни тақдим этиш;
2. Ҳамжихатлик Меморандуми ва Иш режасининг қандай бажарилаётганини кўриб чиқиш ва келгуси биринчиликларни аниқлаш ;
3. ҲМ бўйича келгуси ҳисобот учун формат қабул қилиш; ва
4. ҲМнинг бошқариш механизмининг музокараси .

Шунингдек, CMS ва СИТЕС хабар беришича, ҲМ кенгаши доирасида 15 кунлик техник семинар ва ҳамкорлик ташаббуси доирасида музокара ўтказиш режалаштирилган. Бу тадбирни МСОП турларнинг омон қолиши бўйича Қўмитасининг антилопалар бўйича мутахассислар гуруҳи ва турғун ишлатилиш бўйича мутахассислар Европа гуруҳи ўтказадилар . Семинар 2006 йилнинг 23 -24 сентябр кунларида мўлжалланган. Илтимос, семинарда иштирок этиш хоҳишингизни дастлабки рўхатга олиш формасида кўрсатиб ўтинг.

Ҳамкорлик ташаббуси ва семинар вазифалари:

1. Сайғоқни ҳимоялаш ваколатининг шарҳи;
2. Ареал мамлакатларида сайғоқ бўйича лойиҳа ва ишлар рўйхатини тузиш; ва
3. Ўртамууддатли халқаро иш дастури учун асос сифатида, Иш Режасига мувофиқ приоритет ҳаракатларнинг шакллантириш бўйича тавсияномалар

Уларнинг сайғоқ билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари ва лойиҳалари бўйича маълумот олишни онсонлаштириш ниятида яқин орада манфаатдор бўлган ташкилотлар орасида ҳисобот нусхаси тарқатилади. Лайл Гловка (CMS битимларни тайёрлаш бўйича мутахассис) ва Том де Меленаер (СИТЕС катта илмий мутахассиси), [secretariat@cms.int](mailto:secretariat@cms.int)

### Ўзбекистон сайғоқни сақлаб қолиш бўйича халқаро Меморандумига имзо чекди

Ёввойи ҳайвонлар кўчиб юрвчи турларини сақлаб қолиш бўйича Бонн конвенцияси котиблигининг хабар беришича, 2006 й. 23 май куни Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги элчиси Бахтиёр Фуломов сайғоқ (*Saiga tatarica tatarica*) ни турғун ишлатиш, тиклаш ва сақлаб қолиш масалаларидаги ҳамжихатлик Меморандумига имзо чекди.

Ўзбекистон бу тур яшаш ареалининг давлатларидан, Туркменистондан кейин, иккинчи бўлиб, 2005 й. ноябр ойида бўлиб ўтган ёввойи ҳайвонлар кўчиб юрвчи турларини сақлаб қолиш бўйича Бонн конвенцияси иштирокчи-давлатларнинг 8- чи конференциясида имзо чекиш учун очилган ҳамжихатлик Меморандумига имзо чекди. CMS бошқарувчи котиби Роберт Хепворт айтди: « Ўзбекистон ёввойи ҳайвонлар кўчиб юрвчи турларини сақлаб қолиш бўйича Бонн конвенцияси иштирокчи-давлатларидан биринчи бўлиб, бу Меморандумга имзо чекди. Ишонаманки, бу имзоланиш сайғоқни яшаш ареали давлатларининг ҲМга қўшилишига қўшимча сабаб бўлади». Қўшимча ахборот учун ЎЗР Давлат табиат қўмитасининг халқаро бўлими, Ирина Бекмирзаева, [envconf@uzsci.net](mailto:envconf@uzsci.net) га мурожаат қилинг. Шунингдек, бу мавзу бўйича маълумотларни: [http://www.cms.int/news/PRESS/nwPR2006/May/nw230506\\_saiga\\_signing.htm](http://www.cms.int/news/PRESS/nwPR2006/May/nw230506_saiga_signing.htm) дан олишингиз мумкин



Бахтиёр Фуломов ва Роберт Хепворте ҲМга имзо чекиш вақтида. CMS котиблиги сурати

### «Ростовский» қўриқхонасида халқаро конференцияда сағоқ ҳақида айтиб ўтилди

2006 й. 26-28 апрел кунлари Ростов вилояти Орловский поселкасида Россиянинг ҳақиқий чўл қўриқхоналаридан бири бўлган «Ростовский» давлат табиат қўриқхонасининг 10-йиллигига бағишланган Халқаро илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Россия, яқин ва узоқ хорижий давлатлардан 100дан ортиқ мутахассислар иштирок этдилар. Чўл экотизимларининг биологик хилма-хиллигини ўрганиш ва сақлаб қолишга бағишланган бир қатор марузалар эшитилди. Сайғоқни ўрганилиши ва сақлаб қолинишига алоҳида ўрин ажратилди. Қўшимча ахборот учун қўриқхона директори Л. В. Клец, [gzr@orlovsky.donpac.ru](mailto:gzr@orlovsky.donpac.ru) га мурожаат қилинг



Сайгоқ фигуркаси (қоғоз ва картон). Желилова Альвина, 5-чи синф. А.А. Лушчеккина сурати

### Қалмоғистонда «Чўл эгаси» кўрик-танлови ўтказилди

Қалмоғистон Республикаси «Центр экологических проектов» жамоат ташкилоти, «Геден Шеддуп Чуп Чой Корвинг» Қалмоғистон марказий Будда монастыри руҳонийлари ва Қалмоғистон Республикаси ўқувчиларнинг эколог-биологик маркази ходимлари билан биргаликда ARC (динлар ва табиатни муҳофаза қилиш Иттифоқи) ҳайрия ташкилотининг молиявий ёрдамида 2006 й. Бошида «Чўл эгаси» Республика ижодий ишлар кўрик-танловини ўтказдилар.

Танловнинг асосий вазифалари: атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида Қалмоғистон диний ташкилотларининг хабардорлигини ошириш, катталар ва болалар учун экотаълим дастурларни ривожлантириш. Танловда 23та мактаб ва Республика ОХВдан 9та журналист қатнашди. Танлов иштирокчилари ишларини қуйидаги номинацияларда тақдим этдилар; оммавий ахборот воситаларидаги публикациялар танлови; болалар расмлари танлови; «Экология. Тарих ва этнография. Халқ аънаналари» мавзусида ижодий ишлар танлови.

Бир қатор ишлар сайгоқни сақлаб қолишга бағишланган эди. Қўшимча ахборот учун Қалмоғистон Республикаси «Центр экологических проектов» жамоат ташкилоти бош директори О.Б. Обенова, [centercep@yandex.ru](mailto:centercep@yandex.ru) га мурожаат қилинг

### Сайгоқ ҳақидаги фильм совриндор бўлди

А. Мисаилов ва Д. Шпиленокларнинг "Сайгоқ – чўл кармаси" (Saiga News, 2, 2005 қаранг), МАБ Веб-сайтлар танловида 3чи ўринни эгаллади. Saiga News бюллетени таҳририяти фильм ижодкорларини мукофот билан чин кўнгилдан табриқлайди.

### Сайгоқ бўйича дастур Хитой телевидениеси орқали кўрсатилди

2005 й. охирида CCTV – Хитойдаги энг йирик ва таниқли телестанция вакиллари Гансу провинциясида жойлашган Йўқолиб бораётган турларни кўпайтириш марказини келиб кўридилар. Улар томонидан Марказ ва сайгоқлар ҳақида яратилган фильм 2006 й. Феврал ойида CCTVнинг 7чи каналида кўрсатилди. Фильмда Марказда кўпайтирилаётган сайгоқлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади, уларнинг қишда жуфтлашиш давридаги ахлоқи кўрсатилган. Шунингдек, фильмга Марказ илмий ходимлари ва ветеринарлардан олинган интервьюлар, сайгоқ қандай хавф-хатарларга дуч келиши ва унинг ёввойи табиатдаги аҳоли ҳақида ҳикоя киритилган. Бу фақатгина инсонларнинг ҳайвонлар тақдирига қизиқишини уйғотишга уриниш бўлиб қолмай, балки кенг омманинг сайгоқ билан юзага келган вазият ва унинг келажагини тушинишига ёрдам беришга ҳам ҳаракат бўлди. Қўшимча ахборот учун Ли Лишу, WCS-Хитой, [jasmine.lis@hotmail.com](mailto:jasmine.lis@hotmail.com) га мурожаат қилинг

### Самарарали рейд

ПО «Охотзоопром» Қизилўрда филиали назоратчилари ва полициянинг режадаги рейдининг иштирокчиларидан биронтаси ҳам бундай «ўлжани» кутмаган эди. Қозоғистон, Қумқўл-Қизилўрда трассаси бўйлаб кетаётган «УАЗ-469»нинг саломида улар 13та отиб ўлдирилган сайгоқни ва бешзарядлик милтиқни топдилар. Таналар ичида шохдорлари ҳам, урғочилари ҳам бор эди. Браконьерликда гумон қилинаётган вилоят маркази яшовчиларига машина ва милтигининг мусодарасидан ташқари 2 млн 300миң тенге (19 миң АҚШ дол. яқин) миқдорда жарима солиниши ҳам мумкин. Қозоғистон Республикаси ЖК 288 моддаси (ноқонуний овлаш) бўйича жиноий иш кўзғатилган. Батафсил <http://saigak.biodiversity.ru/news/020306.html> да.

### Қозоғистон чегарачилари ўзбекистонлик браконьерларни тўхтатиб қолдилар

«Батис» вилоят бошқармаси чегарачилари Фарбий Қозоғистон ҳудудида сайгоқни ноқонуний овини тўхтатиб қолдилар. 2006 й. апрел ойида чегарачилар Ўзбекистон чегарасидан 20 км масофада бўлган Қозоғистон ҳудудида ноқонуний ов қилаётган 4 нафар Ўзбекистон фуқаросини тўхтатиб қолдилар. Текшириш натижасида браконьерлардан 11та сайгоқ танаси, анчагина шохлар ва ов милтиқлари олинди. Далиллар бўйича текширув ишлари кетмоқда. КАЗИНФОРМ маълумотлари бўйича, 13.04.06. Батафсил <http://www.press-uz.info/index.php?id=2452> да

### Браконьерлар сайгоқ гўштини Ургенчда сотмоқдалар

2006 й. Январ ойида Ургенч шаҳрида (Хоразм вил., Ўзбекистон) сайгоқ гўштини сотиш холлари қайд қилинди. Браконьерларга гўштни узоқдан олиб келишга тўри келади, чунки йилнинг бу вақтида сайгоқлар Хоразм вилоятидан 600-700 километр нарида бўлган Устюрт платосида учрайдилар. Устюрт сафарисининг кўламчилиги шундай бўлдики, сайгоқ гўшти ҳатто Совет Иттифоқи тарқалиб кетгандан бери уни кўрмаган Хоразмда ҳам сотилмоқда. «Фергана.ру» маълумотлари, 02.02.06.

Батафсил <http://news.ferghana.ru/detail.php?id=240977376138.44.1891.2022197> да



веб-сайтдан олинган сурат  
<http://www.tigers.ru/inters/ecology/saigak.html>

## Мақолалар шарҳи

Россия: Қалмоғистон хабарлари, № 46, 2006 й. 1 феврал [қисқартирилган матни]

### Келажакка ўқ узиш

2005 йилда Қалмоғистон Республикаси Яшқўл туманида 19та эркак сайгоқни овлаш далиллари бўйича 3та жиноий иш кўзғатилди. 2004 й. 31 декабр куни, Янги йил арафасида, Яшқўл тумани Хулхута пос. туғилган фуқаро Парижев Ш. Х. бта овланган сайгоқ эркаги билан Қалм. Респ. бўйича Росқишлхўжназорати Бошқармаси тезкор гуруҳи томонидан ушлаб қолинди. 2005 й. 27 май куни Қалм. Респ. Яшқўл туман суди қарорига биноан у, РФ ЖК 258 моддасининг 2чи қисмида кўзда тутилган жиноятни қилганлигида айбдор деб топилди, унга «колония поселение»да ўташ шarti билан 1йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Шу билан бирга, бта сайгоқ эркагини овлаб, етказган зарарни қоплаш учун 36 миң рубль (1 миңг 300 АҚШ дол. атрофида) жарима ҳам солинди. Аммо бу 2005 й. 8 июн куни Хулхута пос. яқинида сайгоқни ноқонуний овлаётганда қўлга туширилган Парижевнинг ҳамқишлоғи М. Т. Бейсневга сабоқ бўлмади. Суд Бейсневни «колония-поселение»да ўташ шarti билан 2 йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм чиқарди.

2005 й. ноябр ойида Қалм. Респ. Росқишлхўжназорати тезкор овназорати овшунослари браконьерлик содир бўлган жойни аниқладилар, бироқ браконьерлар жиноят содир бўлган жойдан Утта ва Хулхута пос. томонга кетишга муваффақ бўлдилар. Ноқонуний ов жойида сайғоқнинг 12та танаси топилди, буларнинг бир қисми олиб кетишга тайёрланган эди. Эрақ сайғоқларга нисбатан бундай муносабат жиноийдир, чунки бу популяциянинг генетик хилма-хиллигига сезиларли зарба беради. Биз сизларни бундай ходисалар ёнидан бефарқ ўтмаслигингизни сўраймиз. Сайғоқ тақдирига бефарқ бўлмаган барча –браконьерлик ҳолатлари ҳақида Росқишлхўжназорати Бошқармасига хабар беришлари мумкин. Агарда Сизлар томонда сайғоқлар бир неча йил кўринмаган бўлиб, Сиз уларни чўлда учратиб қолсангиз, бундан ҳам бизни хабардор қилинг.  
Б. Убушаев, Қалм. Респ. бўйича Росқишлхўжназорати Бошқармаси овназорати бўлимининг бошлиқ ўринбосари



Ўтлаётган сайғоқ ургочилари. Дж.-Ф.  
Лагрот сурати

Қозоғистон: «Казахстанская правда», № 88-89, 2006 й. 14 апрел

### Жем ёнида антилопа йўқ

Улар бу ерлардан кетдилар, эҳтимол батамом. Чунки одамлар уларни кўриши биланок, қалбларига Иблис кириб қолгандай, йиртқич ва ҳирсли бўлиб қоладилар...Улар одам маконини 10лаб км четлаб, тоғли доvonлар ортига, Матайқум қумлари бор, қўшни давлат чегара олди ерларига кетдилар. Улар – бу сайғоқлардир.

Аммо, ожиз чўл антилопаларини ажал ҳамма ерда қувиб етади. Хавф-хатар фақатгина ердан эмас, балки осмондан ҳам таҳдид қилади. Базида вертолётлар шовқини, қоронғудаги мотоцикллар тарақлаши, қутурган тезликда кетаётган МА3 ва ҚрАЗларнинг гумбирлаши чўлни шовқин-суронга тўлдириб юборади. Дахшатли замонавий қуроллар, ўта замонавий тунда кўриш дурбинлари ва мобил алоқа воситалари билан қуролланган “ашаддий”ларининг отишмалари, Устюрт платоси кенгликлари тинчлигини бузиб туради.

Бундай овчилик ҳаракатларида Байганин тумани, атрофида сайғоқлар йўқ бўлиб кетган, Оймауит, Мияли, Диёр ва бошқа аҳоли пунктларининг истиқомат қилувчилари қатнашади деб айтишга тил ожизлик қилади. Милиция маълумотларида кўпинча Атирау, Мангистау ва Қизил Ўрда вилоятликлари ва, сайғоқ сўқмоқлари чегарасига яқин, ўзбекистонликлар келтирилади. Бу далилни туман ҳокими Бердихан Кемешов ҳам тасдиқлайди. Унинг айтишича, отишлар натижасида бу ҳайвонлар сони анчагина қисқарган ва ҳозир умуман йўқолиб кетиш арафасида. Илгари, сайғоқлар сув ичишга Қоровулкелди атрофидаги Жемга тушардилар. Гуркираган, семиз сайғоқ подалари Жарқамиш, Кўпа қишлоқлари яқинидан ўтардилар. Ҳозир эса, излари ҳам йўқолиб кетган.

Албатта, ўша даврда уйлари ёнида бунча кўп чўл антилопаларини кўрган овуллар аҳолисини фариштадай беозор деб бўлмайди: кўлида милтиғи бўлган одам ўзини тийиб тура олмаган бўларди. Фақат у вақтда ҳозиргидай, шунчаки эрмак учун бир четдан барчасини отиш, шохларини кесиб олиб танасини ташлаб кетишга эмас, балки овчиликка қизиқиш бўлган. Бундай ваҳший одамлар борлиги кишини дахшатга солади. Аниқ, улар қаерлардандир катта мансаб эгаларидир ва ҳамтовоқлари кичик доирасида ҳимоясиз сайғоқларни бешавқат отганлари ва улардан кесиб олинган шохларни «четда» мўмай пуллаганлиги тўғрисида мақтанадилар...

Афсуски, Байганин туманида вақти-вақти билан браконьерларни изига тушадиган овчилик назорати десантининг маълумотларида кўпинча майда “балиқчалар” акс эттирилади. Асосан бу Мангистаулик, Атираулик ишсизлардир. Браконьерлар амалга оширган сайғоқларни ялпи қириши ўтган йилнинг сентябр ойида бўлди. Мангистаулик Б. Нурмаганбетов ва атираулик К. Қазимаев (ишсизлардан)дан 50 дона патрон, 10та сайғоқ шох ва давлат номерисиз «Урал» маркали мотоцикл олинди. Улар ҳаммаси бўлиб, 16та сайғоқни отиб, табиатга 2 млн. тенге (17 минг АҚШ дол. атрофида) миқдорда моддий зарар етказганлар.

Байганин чўлларида браконьерларни қидириб юрган вилоят овчилик назоратчилари Қонун бузувчиларни ушлаганларидагина, улар устидан жиноий иш қўзғатиш учун, полиция билан боғланадилар. Ҳанузгача туманда ўзининг овчилик назоратчиси жамоатчилик асосида бўлса ҳам йўқ. Байганин тумани учун овчилик назоратчиси ниҳоятда зарур. Бу зарурат вилоят марказига етказилган.. Қишлоқ округларидаги участка полиция бошқарувчилари қисматига ҳаяжонсиз қараб бўлмайди. Мобил алоқага, транспортга эга бўлмаган, ўз округини яйёв, онда-сонда йўловчи транспортда айланиб чиқадиган полициячини кўз олдингизга келтиринг-чи. Унга бириктирилган округ ҳудудини Уил тумани ҳудудига қиёслайлик. Табиийки, замонавий қуролланган жиноятчига у ҳеч ҳам ета олмайди. Овчилик назоратчиларидан кўнғироқ кутиш машаққатли иш эканлигига ишонинг. Бундай улкан ҳудудни назорат қилиш онсон бўлмаган, овчилик назоратчиларига ҳам машаққатлидир. Шунинг учун ҳам антилопа шохларини тайёрлаш камайгани йўқ, чўл тинчлигини ўқ товушлари бузиб турибди ва қўшни вилоятлар станцияларида маҳаллий “иш билармонлар” поезд йўловчиларига сайғоқ этидан тайёрланган лаззатли таомларни очикдан-очик таклиф қиляптилар. Сайғоқ шохларини таклиф этса ҳам, хайрон бўлмайман.

Жўбаниш Байгуринов

Тўлиқ матни <http://www.earthwire.org/cache.cfm?aid=109992> да

## Илмий мақолалар

### Хитойда сайғоқни тиклаш учун потенциал резерват

Ли Лишу  
WCS-Хитой



Ся'эрсили кўриқхонаси. Аили Кан  
сурати

Ся'эрсили (Хя'а'ерхили) кўриқхонаси Синцзян-Уйғур автоном округи Ички Монголия автоном райони Бортала шаҳрининг префектурасида Олатов тизмаси шимолий қияликлари бўйлаб жойлашган (E81°43'-82°33', N45°07'- 45°23'). Шимолда Қозоғистон билан чегарадош. Бу районнинг биохилма-хиллиги яхши сақланиб қолган, чунки узоқ вақт давомида бу ерда инсон фаолиятининг таъсири билинмаган. Бу Марказий Осиё ва Монгол ўтиш регионларида камдан кам учрайдиган ҳол.

Ҳозирги вақтда, Хитой ва Қозоғистон ўртасидаги, Олло доवони атрофида миллий чегара бўйлаб жойлашган, майдони 58 кв. км, бўлган ҳудуд Ся'эрсили (Хя'а'ерхили) кўриқхонаси тасарруфига ўтди. Шунингдек унга қуриқхона чегарасидан жанубий-ғарбга ва жанубга жойлашган ўрмончилик хўжалиги (36 кв.км) ерлари ҳам қиради. Шундай қилиб, кўриқхона 220 кв. км дан 314 кв. км гача кенгайтирилади. Бу кенгайишдан сўнг кўриқхонани Миллий табиий боғга ўзгартиришни тавсия этамиз.

Тарихга қараганда, Ся'эрсили кўриқхонаси ҳудуди сайғоқларнинг доимий яшаш ва кўчиб юриш ерлари бўлган. Аслида Жунгар ҳавзасида истиқомат қилувчи чўпонлар бу ерларда сайғоқларни 1950чи йилларгача учратганлар. Бироқ, сайғоқ популяцияси қисқариб кетди, кейинчалик эса, ҳайвонларнинг кўпгина бошқа турларига ҳам таъсир кўрсатган, кучли овчилик исканжасида йўқ бўлиб кетди. 1960 йилдан кейин Жунгар ҳавзасида сайғоқ бошқа учрамаган.

Синцзян Педагогика Дорилфунуни Биология факултети профессори Хайин, яқинда Ся'эрсили кўриқхонасига қўшилган Олло довони ёнидаги ерлар тор яшил йўлакчилигини қайд қилди. Бу ҳудудда, сайғоқларнинг сеvimли озуқаси бўлган, ковил ва шувоқларни хар хил тури ўсади. Шу билан бирга бу регион Хитойда сайғоқни яшаш жойларини тиклаш учун энг юқори имкониятга эга.

## Монголия сайғоғи: WCS ҳудудини текшириш натижалари

*Ким ва Джозел Бергер*

*Шимолий Америка WCS дастури*

2005 й. октябр ойида Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш жамияти (WCS) Ғарбий Монголияда сайғоқни яшаш жойларининг аҳволини ўрганиш бўйича ишнинг ташаббускори бўлди. Экспедициянинг мақсади, 3-5 йилга мўлжалланган бўлиб, Монголия сайғоғини сақлашни яхшилаш бўйича лойиҳанинг бажарилишини баҳолашда эди. Вазифалари: 1) Монголия ташкилотлари ва алоҳида инсонларнинг сайғоқни сақлаб қолишга бўлган замонавий қизиқишларини баҳолаш, ва, 2) мавжуд бўлган яшаш жойларида сайғоқни сақлашда ёрдам бериши мумкин бўлган биологик маълумотларни йиғиш имкониятларини баҳолаш. Текшириш WCS Монголия Дастури директори Аманда Файн иштирокида, муаллифлар томонидан бажарилди.

Командамиз Шарга-Манхан кўриқхонаси ва унинг атрофлари, Хар Ус Нур Миллий боғи ва Хуйсин Гоби (расмда уч хафталик кузатишларни ўтказди. 10чи октябрдан 19чи октябргача умумий олганда 460та сайғоқ ҳисобга олинди. Ундан ташқари Дарив (Д. Чинунен) сомонининг назоратчиларидан бири Шарга-Манхан кўриқхонасидан шимоли-ғарбий йўналишда яна 100та ҳайвонни ҳисобга олган. Мадомики, бизнинг мақсадимиз кейинги дала ишлари учун потенциал ҳудудларнинг яроқчилигини баҳолашда бўлгани учун, текшириш бирор бир батартиб услубда ўтказилганлиги йўқ. Демак, текшириш натижалари Монголия сайғоғининг ҳозирги сонини репрезентатив ҳисобга олиниш сифатида кўрилмаслиги керак. Бироқ кузатишлар кўрсатдики, ҳайвонларнинг ахамиятли сони ёввойи табиатда, ва шунинг учун сайғоқнинг яшаш жойларини сақлаб қолишга қаратилган ҳаракатларни кучайтиришни давом эттириш лозим.



Расм. Ғарбий Монголияда сайғоқни замонавий ўрганиш натижалари

Бундан ташқари, 4 хафталик ташрифимиз даврида командамиз сайғоқни ёввойи табиатда сақлаб қолиш учун зарур бўлган чораларни ва жавобсиз қолган саволларни муҳимларини муҳокама қилиш учун сайғоқни сақлаб қолиш жараёнига жалб этилган муҳим Монголия ташкилотлари вакиллари билан учрашди. Учрашувлар Улан-Батор, Кобдос ва Гоби-Олтой аймақларида қуйидаги ташкилотлар билан бўлди: Илвирси сақлаб қолиш бўйича халқаро фонди, Монголия ФА, Хар Ус Нур Миллий боғи, Умумжаҳон ёввойи табиат фонди, Чўл дастури, ПРООН Олтой-Саян лойиҳаси, Табиатни муҳофаза қилиш Қўмитаси, Монголия Миллий университети, Кобдос университети ва сайғоқнинг муҳофазасига жалб этилган назоратчилар. Бу учрашувлар қуйидаги қадамларнинг зарурлигини таъкидладилар: 1) мавсумий (айниқса қаттиқ қиш масумларида) кўчиб юриш ва миграция бўйича маълумотлар олиш; 2) уй чорваси билан рақобатчилигини, хусусан чўпонлари кўп ва кам бўлган ҳудудларда ўрганиш; 3) популяцион динамикани баҳолашнинг аниқ услубини ривожлантириш; 4) Балоғатга етган ва ёш зотларини омон қолиши ва шунингдек сайғоқлар демографиясига таъсир қилувчи омиллар бўйича эмпирик маълумотларни йиғиш; 5) генетик тадқиқотлар ўтказиш; 6) баъзи жойларида йўқ бўлиб кетган, тарихий яшаш ерларига сайғоқларни потенциал жойлаштирилиши; 7) назоратчиларни, Монголия олимлари ва талабаларини териб ўқитиш ва маҳаллий жамоаларнинг сайғоқни сақлаб қолишдан фойда олишлари имкониятларни ривожлантириш билан бирга моддий-техник базани яхшилаш. Сайғоқни сақлаб қолиш бўйича барча гуруҳ вакиллари кўрсатган ғайратини ва дала тадқиқотларини муваффақиятини ҳисобга олганда сайғоқни сақлаб қолишни кучайтирилишига қаратилган ҳаракат ривожланади.

## “Чўл жонли табиати” ассоциацияси питомнигида сайғоқларни боқиш ва кўпайтириш тажрибаси.

*Липкович А.Д.*

*«Чўл жонли табиати» ассоциацияси, Ростов вилояти*

Ростов вилоятида сайғоқлар ёзги кўчиб ўтишида шарқий ҳудудларга мунтазам кирмайдиган ноёб турга айланиб қолдилар. Уларнинг Ростов вилояти Орлов ва Ремонтненский туманларига сўнги кириши 1997-98 й.й. рўйхатга олинган. Чўл жонли табиати» ассоциацияси томонидан Ростов вилояти маъмурияти ёрдамида РФА Жанубий илмий марказ илмий назоратида ва «Башнефть-ЮГ» компаниялар гуруҳининг молиявий ёрдамида Орлов тумани Кундрюченский хуторида 2004 йилда сайғоқларни вольтерларда боқиш питомниги ташкил этилди. 2004 йил 9 октябр Қ.Р. «Ёввойи ҳайвонлар маркази» питомнигидан 5 эркак ва 5 урғочидан иборат гуруҳ олиб келинди. Ҳайвонларни тутиш ва транспортировкаси Ёввойи ҳайвонлар маркази директори Арилов Ю.Н. бошчилигида ўтказилди.

Сайгоқларни Марказ вольерасида тўрлар билан тутиб, рамитар инъекциясидан сўнг, юк машинанинг хашак тўшалган кузовида олиб ўтилган. Боқиш жойида катталиги 15x18 м бўлган тепаси 2м баландликда шифер билан бекитилган эта вольера қурилди. Хайвонларнинг потенциал шикастланишини кимайтириш учун вольерлар овал шаклида қурилган. Ўртача вольер ёнида сайгоқларни кузатиш учун кузатиш вишкаси қурилган.

Олиб келингандан сўнг 1 чи хафтасида 2 урғочи сайгоқ халок бўлди. Ёриш кўп миқдордаги маматалоқларни ва кучли стресс (хаяжон) белгиларини кўрсатди. Эркакларидан 3 таси оқсоқланиб, шу билан бирга биттаси туёққа турмас эди. Урғочиларнинг биттасини олдинги оёғи синган эди. Шикастланганлигининг юқори даражаси, бизнинг фикримизча, сайгоқларни вольерда тутиш усулига боғлиқдир. Хайвонлар тўрларга ҳайдаб киргизилган, ва тўрлар ичида овчилар келишигача урилиб ётган. Вольерларга чиқарилгандан кейин сайгоқлар орқасидан хар кунлик кузатишлар олиб борилмоқда. Совуқ мавсум бошланиши билан улар тулладилар ва ташқи кўринишларига қараганда, вазнлари ошди. 2004 йил 13 ноябр куни Қалмоғистондан куйкиш даврида иштирок этиш учун балоғатга етган сайгоқ эркаги олиб келинди У иккита урғочи енига жойлаштирилди.

. Кундузи эркагини урғочиларига ирғиши кузатилмади. 27 декабр куни, бизнинг кузатишларимиз вақтида эркагида куйкиш белгилари ва урғочиларига қизиқиши кўринмади. 12 январдан 15 январгача оёғи хали тузалмаган шикастланган урғочиди (унга Жади деб ном қўйилди) куйкиш белгилари кузатилди. 12 январ куни эрталабки озиқлантириш вақтида, урғочиси куйкиш қаттиқ товуш чиқарди, бунга балоғатга етган эркаги фаол жавоб қайтарди. Ундан шифер тўсиги билан ажратилган еш эркаклари ҳам хаяжонландилар ва жавоб бердилар. Жади яримочиқ вольер эшигидан чиқиб кетишга уринарди, бундай ҳолат илгари кузатилмаган эди. Январ ойида еш эркакларида куйкиш белгилари ва куч синаш элементлари билан фаол ўйноқлик ахлоқлари кузатилди. Бошқа хайвонларга нисбатан оқсоқ эркаги ўсишда бир қанча орқада қолиб, кам ҳаракатчан эди. Уччала урғочи ҳам қочган эди. Биринчи сайгоқ боласи (эркаги) 17 май куни соат 18 да туғилиб, 1,5 соатдан кейин ўрнидан туриб, онасини чақирди. Иккинчи сайгоқча 19 май куни туғилди. 14 июнда Жадининг сайгоқчаси туғилди



Сайгоқчаларни озиқлантириш А.Д. Липкович сурати

2005 й. октябр ойининг бошларида питомникга ҚР «Степной» заказниги ҳудудида май ойида тутилган 10та бу йилги сайгоқчалар олиб келинди. Улар электр чироғи билан жижозланган, олдиндан қурилган ёпиқ кўралик алоҳида вольерга жойлаштирилган эди.

2005 й. декабр ойида утган йилги эркакларида тажовузкорлик ошди. Ўсишда бошқалардан бир мунча ўзиб кетган бири аниқ устунлик қилиб, ундан бир мунча кучсиз эркакларга нисбатан очиқ тажовуз кўрсата бошлади. Декабр ойининг 2чи яримидида кучсизланган эркаги ўлди, ериш натижасида тана бўшлиғида маматалоқ ва утказувчи яраланишлар борлиги аниқланди. 2005 й. декабр ойидаги текширув сайгоқлар аҳолини яхши эканлигини тасдиқлади. 6та урғочиси наслдор-эркак вольерига қўшиб қўйилди. У урғочиларни ҳарамга йиғиб куйкиш ҳаракатчанлигини намоён қилди. Бу йилги эркакларида бир бирига ирғиб ўйнаш ахлоқи кузатилди. 2005 й. декабр ойининг охирида питомникда 14та сайгоқ боқилган.

## Устюрт платосида газ конларини ишлаб чиқиш – сайгоқ популяциясига янги хавф туғдирадими?

Бикова Е.А.<sup>1</sup>, Есипов А.В.<sup>1</sup>, Мурзаханов Р.<sup>2</sup>

<sup>1</sup>УзР ФА зоология институти, <sup>2</sup> «Армон» Экологик Ҳуқуқ Маркази

Табиий газ қазиб олиш бўйича Ўзбекистон 8чи ўринни эгаллайди. Ўзбекистон заҳираларининг 2,44 триллион кубометр газидан 1,7 триллион кубометри Устюрт платосида жойлашган. Устюрт платоси, шунингдек умуртқали хайвонларнинг 250 тури учрайдиган, ноёб табиий ресурслик ҳудуд бўлади. Сайгоқ Устюрт фаунасининг муҳим вакилларида бири ҳисобланади. Регионнинг узоклиги ва бориш қийин бўлганлиги, шу билан бирга ўзлаштирилганлигининг пас даражаси, ноёб табиий комплексларни деярли тегилмаган ҳолда сақланишига имкон берди. Бироқ, аҳолини фаровонлигини пасайишига ва ишсизликка олиб келган, Орол муаммоси билан чуқурлашган иқтисодий вазият табиатга антропоген таъсирини кучайишининг сабабларидан бири бўлди. Хусусан, сайгоқни ноқонуний овлаш даражаси бир неча бор ошди. Бироқ браконьерлик – ноёб тур учун ягона хавф-хатар эмас. Устюрт регионининг энергетика секторини ривожлантириш соҳасидаги Ўзбекистон ва Россия биргалигида лойиҳаларини амалга оширилиши сайгоқнинг аҳолини ёмонлашишига жиддий асос бўлади.



Туллей газоконпрессор станцияси яқинида газнинг авариявий чиқарилиши. А.Есипов сурати

Плато ҳудудидан «Ўрта Осиё-Марказ» ва «Бухоро-Ўрол» газйўналтириш қубрлари ўтиб : Қир-қиз, Тулей, Қорақалпоғистон ва Қубла-Устюрт газкомпрессор станцияларига хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда Ўзбекистон номидан «Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси «Лукойл» ва «Газпром» йирик Россия компаниялари билан биргалиқда Устюрт платосида табиий газнинг йирик қонини ишлаб чиқаришни режалаштирди. Қўнғрод участкасида келажаги бор майдонлари қидириш ишларини ва 2010 йилгача газ-кимёвий комплекси, 2та компрессор станцияси, 200 км лик газ йўналтириш магистрალი ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини қуришни «Лукойл» амалга оширади. 2002 йилда имзоланган «Ўзбекнефтегаз» МХК ва ОАО «Газпром» ўртасидаги стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим Устюрт прлатосидаги перспектив газ конларини ишлаб чиқариш, қидириб топиш ва Республика ҳудуди орқали газни ўтказишда ҳамкорликни кўзда тутди. Шохпахта қони мхсулотини тақсимлаш бўйича битим имзоланди. 2006 й. ўрталарида Устюрт регионидидаги Урга, Кувониш ва Оқчала гуруҳи конлари учун махсулотни тақсимлаш бўйича келаси битимни имзолаш режалаштирилган.

Европага ҳам ашё экспортини кўпайтириш учун Марказий Осиё газига муҳтож бўлган «Газпром» Ўзбекистон газтранспорт тармоқларини модернизацияси билан шуғилланиш борасида «Ўрта Осиё-Марказ» магистрал газ қубирининг Ўзбекистон бўлимини таъмирлашга киришишни режалаштиряпти, 2007 йилда эса Газпром газ қубирининг янги шахобчасини қуришни бошлайди. Россия бизнесининг Ўзбекистондаги яна бир вакили, илгари «Trinity Energy» (Британия)га қарашли, «UzPEC Limited» компанияси бўлади, . «UzPEC Limited» ва «Ўзбекнефтегаз» биргалиқда Марказий Устюрт майдонида очилган конларни ишлаш ва қидирув-разведка ишларини ўтказишни режалаштирмоқда. Шундай қилиб, яқин келажақда Устюрт платоси газ конларини эксплуатация қилиш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган жиддий таъсир остида бўлади, ва бу албатта, ўз навбатида регион биохилма-хиллигининг ҳолатига жуда тез таъсир кўрсатади. Устюрт платосининг Қорақалпоғистон қисми сайгоқларнинг асосий қишлаш жойи ҳисобланади, бу ерга улар Қозоғистоннинг шимолда жойлашган районларидан келади. Ўтмишда (1960-70йй.) регионда нефть-газ тармоғининг фаол ривожланиши даврида қурилатган газ қубирларининг чуқур траншеяларида сайгоқларнинг ялпи қирилиш ҳодисалари бир неча марта кузатилган

Устюртда ўша йиллари нефть ва газ конларини қидириш ишларини олиб борган геологик партиялар томонидан браконьерлик даражаси ўсганлиги белгиланган. Кўпинча, бундай ов қушхонага ўхшар эди, отиш қобилиятларини синаш эрмаги учун бутун бошлик подалар кириб ташланган. Ҳозирги вақтда мавжуд газийўналтириш бекатлари сайғоқлар учун жиддий тўсиқ бўлмайди, чунки улар йўналиш бўйича ер остига кўмилган. Бироқ сайғоқ бошсонининг критик камайиши вақтида ҳар қандай аралашилар турнинг тақдирида фатал рол ўйнайди. Юқорида келтирилган Урга, Кувониш конлари сайғоқларнинг қишки кўчиш йўлларида жойлашганини, Шохпахта кони эса сайғоқлар қишлайдиган муҳим жойларидан бири эканлигини белгилашимиз лозим. Шу муносабат билан газ қазиб олиш оқибатларининг сайғоқ Устюрт популяциясининг ахволига ехтимолий таъсир кўрсатишини камайтириш йўллариини излаш муҳим аҳамият касб этади. Агарда, яқин келажакда бундай ишлар бажарилмаса, сайғоқларнинг қишлаш, кўчиб юриш, болалаш давридаги муҳим яшаш жойларига таъсир этувчи режалаштирилган лойиҳаларга боғлиқ бўлган сайғоқлар ахволининг ёмонлашини олдиндан айтишимиз мумкин. Қурувчи ва хизмат қилувчи ходимларнинг экологик маърифатлаш, шунингдек компанияларни сайғоқни сақлаш жараёнига жалб этиш муҳим ва ўз вақтида қўйилган қадам ҳисобланади. Умид қиламизки, атроф-муҳитга авайлаш муносабатини декларация этувчи “Газпром” ва “Лукойл” Россия компаниялари бу соҳада ҳамкорлик учун очиқ бўладилар

## Лойиҳалар шарҳи



**Қалмоғистонда даромаднинг альтернатив манбаларини яратиш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда**

1990чи йй. инқирози қорамол бошини кескин камайишига ва бунинг натижасида Қалмоғистон (Шим.-Ғарб. Каспийолди)да маҳаллий аҳолини қашшоқланишига олиб келди. Яшашга зарур бўлган маблағнинг йўқолиши маҳаллий аҳолини сайғоққа, бошқа факторлар билан бир қаторда, катта зиён етказадиган ноқонуний ов қилишига олиб келди. Бунинг натижасида сайғоқ популяцияси кескин холатда камайиб кетди. Аҳволни яхшилаш учун Буюк Британия атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, озиқ-овқат ва қишлоқ районларини ривожлантириш Вазирлиги кўмағида, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаси Кичик грантлар дастури доирасида «Қалмоғистонда сайғоқни муҳофаза қилиш мақсадида сигирларни кўпайтириш ва насл айланиши» лойиҳаси амалга ошириляпти. Лойиҳа британиялик ҳамкорлар билан биргаликда бажарилмоқда. Лойиҳа раҳбари Ю. Н. Арилов, Қалм. Респ. Ёввойи ҳайвонлар маркази, Лойиҳани Москвадаги Британия Кенгаши назорат қилади.

Аввалги Дарвин Ташаббуси лойиҳасини ўтказганимизда (*Saiga news*, 2005 1 қ.), биз «Черные земли» қўриқхонаси атрофидаги аҳолидан уларнинг фаровонлигини қандай ошириш мумкинлиги ҳақида сўраган эдик. Маҳаллий аҳоли регионнинг барқарор ривожланишининг калити - яйлов чорвачилигини яхшилашдалигини бир неча бор қайд қилган эди. Бунинг учун биз ривожланиш доирасида иш олиб бораётган кўпгина ташкилотлар томонидан қўлланадиган «сигирларни кўпайтириш» бўйича схемани ишлатишга қарор қилдик. Бу схема бўйича маҳаллий аҳоли ўртасида оилалар танланиб, уларга лойиҳа ҳисобидан сигир берилади. Бу сигирлардан олинган насл келишилган давр мобайнида марказий «сигирлар банки»га, бошқа оиллага бериш учун қайтарилади.

Оилалар уларнинг манфаатдорлиги принципи бўйича танланади, иштрокчи поселкалар эса уларнинг табиатни муҳофаза қилиш, масалан, сайғоқ браконьерларига ёрдам бермаслик каби қоидаларига риоя қилишга розилиги асосида танланиши мумкин. Биз Яшқўл туман маъмурияти билан учрашувлар ўтказиб, келишилган холда лойиҳамизни бизнинг ижтимоий текширишимиз ўтказилган ва сайғоқлар яшаш жойларига яқин бўлган иккита поселкада бошлага қарор қилдик (Хулхута пос. «Черные земли» биосфера қўриқхонасидан шимолга 30 кмда жойлашган ва Таван-Гашун пос. қўриқхона чегарасидан жануб-ғарбда жойлашган). Бу поселкаларнинг ҳар бирида биттадан оила танланиб, уларга биттадан сигир берилди. Шу билан бирга молхона қуришда, керакли анжом ва емларни сотиб олишда, ветеринар хизматларини кўрсатишда ҳам ердам берилди. Бу сигирлардан олинган насл биринчи 3 йилнинг ичида лойиҳага қайтарилди. Поселкада лойиҳага катта қизиқиш пайдо бўлди, бу, биз умид қиламизки, сайғоқни сақлаб қолиш ва аҳоли фаровонлигининг ошиши бир-бирига боғлиқлигини англашни янаям кучайтиради. Лойиҳанинг 2чи қисми бевосита 2та сигири ва буқаси бўлган Қ.Р. Ёввойи ҳайвонлар марказида ўтказилляпти. Марказ сут фермасида чиқарилган маҳсулот маҳаллий мактаб ва боғчаларга етказилади. Лойиҳа 2007 й. охиригача моддий таъминланади ва бу вақт ичида биз солган асос дастурни келгуси ривожланишига ердам беради. Қўшимча ахборот учун лойиҳа раҳбари Ю.Н. Ариловга, ҚР, Ёввойи ҳайвонлар маркази [kalmsaiga@elista.ru](mailto:kalmsaiga@elista.ru), шунингдек лойиҳа иштирокчилари О.Б. Обгенова, ҚР Экологик лойиҳалар маркази, [centercep@yandex.ru](mailto:centercep@yandex.ru) ва Э.Дж. Милнер-Гулланд, Империял Колледж Лондон, [e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk) ларга мурожаат қилинг



Лойиҳа бажарилаётган жойда. Чапдан ўнга: Ю.Н. Арилов, А.Шугалиева, Э.Дж. Милнер-Гулланд, Цебиковлар оиласи. А.А. Лушчекина сурати (чапда); Эрталабки сигир соғиш. Ю. Н. Арилов сурати (ўнда)



### Биз дунёни яхшироқ ва ҳайрлироқ қилишимиз керак – Қалмоғистонда TNT проекти

2003 йилдан бошлаб «TNT-Express» компанияси Қалм. Респ. Ёввойи ҳайвонлар марказининг, Шимолий-Ғарбий Каспийолди ҳудудида яшайдиган, сайғоқларни сақлаб қолиш бўйича дастурини қўллаб-қувватлайди.

TNT-Express питомникка янги туғилган сайғоқ болаларига сифатли озуқа олишга, эски вольерларни таъмирлаб, янгиларини кенгайтиришга, маҳаллий аҳоли ўртасида табиат муҳофазаси бўйича таълимини оширишга зарур бўлган маблағни ўтказаяпти. Бундан ташқари Компания питомникка ердам бериш фаолиятига мижозларини ҳам жалб қилди. Бунинг учун «Сайғоқни қутқарамиз!» узоқ муддат мақсадли лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу лойиҳа доирасида «TNT-Express» хар йили мижозларига CLM (Customer Loyalty Measurement) махсус анкетасини, хар бир тўлдириб компанияга қайтарилган анкета Қалм. Респ. Ёввойи ҳайвонлар маркази фойдасига 20 евро олиб келиши ҳақидаги билдириш билан тарқатади. Айтиб ўтиш лозим, TNTмижозлари бу лойиҳани мақул топиб, йилдан йилга бу ҳаракатга янаям фаол киришмоқдалар. Қўшимча ахборот учун ЮНЕСКО, МАБ Россия кўмитаси, А.А. Лушчекина [mab.ru@relcom.ru](mailto:mab.ru@relcom.ru) га мурожаат қилинг





### АҚШ Россияда сайгоқни сақлашга ердан беряптилар

Saiga News, 2 хабар берганидай, АҚШ Ёввойи қушлар ва балиқ Хизмати Россияда сайгоқни сақлашга қаратилган тадбирларга маблағ ажратди. Бу грантлар туфайли, «Черные земли» Давлат биосфера қўриқхонаси егерлари радиостанция ва дала ускуналари билан таъминландилар, шу билан бирга қўриқхона атрофига чегара ва огоҳлантириш белгилари ўрнатилди.

Бу қўриқхона ерларида Шимолий-Ғарбий Каспийолдида яшовчи деярли бутун популяцияси куйиқиш ва болалаш даврида йиғиладиган сайгоқнинг муҳофазасини яхшилашга ёрдам берди. Бу билан бирга АҚШ ёввойи қушлар ва балиқ Хизмати қисман (Йирик ўтхўрлар бўйича фонд ва бошқа ҳомийлар биргалигида) «Яшкульский» сайгоқ питомнигида янги ташриф-марказнинг қурилишига ҳам маблағ ажратди (юқоридан қаранг). Қўшимча маълумот учун, ЮНЕСКО, МАБ Россия қўмитаси, А.А. Лушчекина [mab.ru@relcom.ru](mailto:mab.ru@relcom.ru) га муурожаат қилинг



Қўриқхона остонасида. А.А.Лушчекина сурати

### Дарвин Ташаббусининг Қалмоғистондаги янги лойиҳаси



Дарвин Ташаббуси Дастури Империял Колледж Лондон ва уларнинг қалмоғистонлик ҳамкасбларига 2006 йилнинг 1 май кунидан 2007 йилнинг 31 декабр кунигача амалга ошириладиган «Қалмоғистонда сайгоқни сақлаб қолиш жараёнига жамоатчиликни жалб этиш йўлларини баҳолаш» лойиҳасини қўллаш учун грант беришини маълум қилди. Бу лойиҳа олдинги, 2003 й. апрел ойидан 2006 й. март ойигача ўтказилган «Қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини оширишда сайгоқнинг муҳофазасини қўллаши» Дарвин лойиҳасининг давоми бўлди. Биринчи лойиҳа вазифалари муваффақиятли бажарилгандан сўнг, бизга иккинчи грант берилди.

Умуман янги лойиҳа Э.Дж. Милнер-Гулланд томонидан уйғунлаштирилади. Қалмоғистондан координатор – О.Б. Обгенова, Экологик лойиҳалар маркази ([centercep@yandex.ru](mailto:centercep@yandex.ru)). Бошқа иштирокчи-командалар: Қалм. Респ. Ёввойи ҳайвонлар маркази, «Черные земли» биосфера қўриқхонаси, Дхарма Марказ, Яшқўл кўппрофиллик гимназия, Аршанск болалар уйи ва «Степной» (Астрахан вил.) заказниги. Лойиҳа маслаҳатчиси – А.А. Лушчекина.

Лойиҳа вазифалари:

1. Сайгоқ популяцияси ва браконьерлик мониторингини давом эттириш ва бу кўрсаткичларнинг таҳлили учун маълумотлар базасини тайёрлаш.
2. «Яшкульский» сайгоқ питомниги, айниқса сигирлар ротацияси (юқоридан қаранг) ва ташриф-марказ фаолиятини қўллаб-қувватлаш.
3. Экскурсион фаолият, экологик клуб ва болалар кўрик-танловларини қамраб оладиган Республика таълим дастурини ишлаб чиқиш.
4. Келаси муҳофаза чораларини самарали режалаштиришга имкон берадиган, Муҳофаза усуллари ва даражаси турли бўлган регионлар орасидаги фарқлар таҳлили базасида, маҳаллий аҳолини сайгоқ муҳофазасига бўлган муносабатини баҳолашни ўтказиш.
5. ОХВ орқали сайгоқнинг ареалида статусини кўтариш ва аҳолини кенг табақалари орасида информацион материалларни тарқатиш. Буддизмда табиатни муҳофаза қилиш муҳимлигини таъкидлаб ўтиш.
6. 2007 йил бошида давлатлараро алмашинув дастури орқали Англия ва Қалмоғистон гуруҳлари орасида узоқ муддатли алоқани кучайтириш.
7. НПО ва бошқа муҳим ташкилотлар ёрдами орқали Республикада сайгоқни сақлаб қолиш учун давомли асос яратиш.

Қўшимча ахборот учун Э.Дж. Милнер-Гулланд, Империял Колледж Лондон, [e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk) га муурожаат қилинг

## Янги нашриётлар

Линдемман Г. В., Абатуров Б. Д., Биков А. В., Лопушков В. А. Волгаorti яримчўллари умуртқали ҳайвонлар аҳолисининг динамикаси (Динамика населения позвоночных животных Заволжской полупустыни) (жав. Ред.. М.-Р. Д. Магомедов) // Ўрмончилик и-ти. М.: Наука. 2005 й. 252 б. Китоьда умуртқали ҳайвонлар замонавий аҳолисининг турлар таркиби, қўриқ яримчўл ва сунний ўрмон экинзорлари, асосан РФА Ўрмончилик и-тининг Жонибек стационарида XX асрнинг 2чи яримидаги сонининг динамикаси таърифланган. Инсон фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, ҳайвонлар турларининг таркиби ва сонини табиий ўзгаришларига алоҳида эътибор берилган. Устун бўлган турларга, шунингдек ноёб ва қўриқланаётган турлар, бунинг ичида сайгоқга ҳам, алоҳида очерклар бағишланган. Муаллифларнинг фикрича, икклимининг даврий(циклик) ўзгаришлари ёки инсоннинг чўл ва яримчўл зоналаридаги қишлоқ хўжалик фаолияти сабабли, ўсимлик қатламининг хар қандай ўзгаришлари сайгоқни тарқалиши, сони ва ахволига ўз таъсирини кўрсатади.

Неронов В. М., Арплов Ю. Н., Бадмаев В. С., Лушчекина А.А. Экотизим ёндашиш ва чўл биохилма-хиллигининг муҳим турлари муҳофазасини территориял шакли(сайгоқ мисолида). (Экосистемный подход и территорияльная форма охраны ключевых видов степного биоразнообразия (на примере сайгака)) // Алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларнинг биохилма-хиллигини сақлашдаги роли. (Роль особо охраняемых природных территорий в сохранении биоразнообразия). «Ростовский» Давлат табиат қўриқхонасининг 10-йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция мат-ри 26-28 апрел 2006 й., Орловский пос., Ростов вил. Ростов н/Д, Рост. Ун-ти нашриёти. 2006 й. 74-77 б. Сайгоқ мисолида чўл биохилма-хиллигини муҳим турларини сақлаб қолиш ва уларни тиклаш бўйича масалаларни ечишда экотизим ёндашиш ва табиатни муҳофаза қилиш территориял шаклини ишлатиш тавсия берилади. Контакт: Неронов Валерий Михайлович, [mab.ru@relcom.ru](mailto:mab.ru@relcom.ru) .\*

Эрдненов Г. И., Лукбанов П. К., Убушаев Б. С., Лушчекина А. А., Милнер-Гулланд Э. Дж. «Черные земли» биосфера қўриқхонаси ҳудудида сайгоқларнинг куйиқиш ва болалашининг ўзига хос хусусиятлари. (Особенности гона и отела сайгаков на территории биосферного заповедника «Черные земли») // Алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларнинг биохилма-хиллигини сақлашдаги роли. (Роль особо охраняемых природных территорий в сохранении биоразнообразия). «Ростовский» Давлат табиат қўриқхонасининг 10-йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция мат-ри 26-28 апрел 2006 й., Орловский пос., Ростов вил. Ростов н/Д, Рост. Ун-ти нашриёти. 2006 й. 344-347 б. «Черные земли» биосфера қўриқхонаси ҳудуди ва қўшни участкаларда, 2004-2005 йй. сайгоқнинг куйиқиш ва болалаш даврида Darwin Initiative Фонди (№ 12/028) ва ИНТАС (№ 03-51-3579) молиявий ёрдамида бажарилган дала кузатишларининг натижалари берилган. Куйиқиш ва болалаш жойлари бир-бирига деярли тўғри келади ва бу ҳудудда сайгоқнинг Шимолий-Ғарбий Каспийолди популяциясининг 70-80 фоизи кўпаяди. Контакт: Лушчекина Анна Анатольевна, [mab.ru@relcom.ru](mailto:mab.ru@relcom.ru) .\*

\* «Ростовский» Давлат табиат қўриқхонасининг 10-йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция ишларининг тўпламини қўриқхона директори Л. В. Клец [gZR@orlovsky.donpac.ru](mailto:gZR@orlovsky.donpac.ru) га буюртма қилишингиз мумкин.